

**Фалсафий тафаккур тараққиёт
босқичлари: Шарқ фалсафаси.
Фалсафий тафаккур тараққиёти
босқичлари: Ғарб фалсафаси**



Қадими Шарқ ва Ғарб фалсафаси вужудга келиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари:

Шарқ ва Ғарб фалсафасида идеализм объектив ва субъектив идеализм кўринишида намоён бўлди (Шарқ фалсафасида бу Йога-буддизм, жайнизм, конфуцийчилик, даочилик, Ғарб фалсафасида эса, бу Платон, Сукрот, Элей мактаби).

Шарқ ва Ғарб фалсафаси ривожланишининг умумий қонунияти фалсафий билиминг дунёкараш характеристига эга эканлигидадир.

Шарқ ва Ғарб фалсафаси синфи жамият ва давлат пайдо бўлиши билан ижтимоий онг шакли сифатида шаклланган.

Шарқ ва Ғарб фалсафаси ривожланишининг умумий қонунияти унинг методологик аҳамият касб этувчи ҳақиқий илмий билимга эришиш йўлида илмий излашилар олиб боришидир.


Шарқ ва Ғарб фалсафаси умуминсоний қадриятларга қараб мўлжал олади (қандай қилиб яхши фикрлаш, яхши сўзлаш ва яхши иш қилиш керак, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиласди).

Шарқ ва Ғарб файласуфлари нарса ва ҳодисаларни ўрганиш, тушунтиришнинг ўзига хос методларини яратганлар (диалектика, метафизика, маевтика ва ҳоказо).

Қадимги Шарқ фалсафаси ҳам Ғарб фалсафаси ҳам яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуқлик, адолат ва адолатсизлик, дўстлик ва биродарлик, муҳаббат ва нафрат, баҳт ва баҳтсизлик каби муаммоларнинг ечи мини излаган.

* Қадимги дунё Шарқ ва Ғарб фалсафаси муаммоларидағы фарқлар

Шарқ



Асосий эътибор инсон муаммосига қаратилади; Инсон муаммоси амалиёт, одамларнинг ҳаёт фаолияти, турмуш тарзи нуқтаи-назаридан ўрганилади. Инсоннинг ўзлиги, одоб-ахлоқи, ҳукмдорларга, турли ёшдаги одамларга, шунингдек, жамиятдаги ижтимоий ҳолати турлича бўлганларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ муаммолар ўрганилади. Дин билан ўзаро алоқадорликда ривожланади. Фалсафий оқим фалсафа сифатида ҳам, дин сифатида ҳам намоён бўлади (брахманизм, индуизм, конфуцийчилик, зардӯштийлик). Шарқда ўзига хос фалсафий категориялар аппарати мавжуд (Инь – аёллик, Янь-эркаклик асоси, Ци – уларнинг бирикмаси, Сансара – жоннинг қайта гавдаланиши, Ахурамазда- яхшилик, Ахриман - ёвузлик).

Ғарб



Натурфалсафа, онтология, гносеология, методология, эстетика, мантиқ, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ муаммолари ўрганилади. Ғарбда инсонга руҳий борлиқ ёки одоб-ахлоқи орқали мурожаат этилмайди, балки борлиқ ва билишнинг умумий тамойиллари сифатида ёндашилади.

Диндан ажралишга ҳаракат қиласи. кўпроқ илмий методологияга таянади. Қадимги Ғарб фалсафий таълимотларининг бирортаси кенг тарқалган динлардан бирига айланмади.

Ғарбда фалсафий категориялар аппарати моҳият, миқдор, ўрин, жой, ҳолат, ҳаракат ва ҳоказоларлар билан белгиланади. Дастрлаб улар ҳақида Аристотелнинг “Категориялар” китобида келтирилган.

* Материянинг тузилиши хақидаги таълимотдаги фарқлар

Шарқ

Материя – жонга “ҳалақит” берувчи муайян омил ёки шакл билан бирлиқда ёки муайян субстанционал асос.

Фарб

Материя – дисткret тузилишга эга. Бундай қарааш атомистика, деб аталиб, атом – сифатга эга бўлмаган майда зарралардир.

* Билиш мұаммосидаги фарқлар

Шарқ

Ғарб

Билишнинг асосий оъекти сифатида инсон ўрганилиб, мушоҳада, идрок, хулоса чиқариш, таққослаш ва исботлаш ўрганилган.

Билиш нафақат эмпирик, ҳиссий ва оқилона жараён сифатида, балки мантиқий жараён сифатида ўрганилган.

* Ижтимоий муаммоларни ечишдаги фарқлар


Шарқ

Фарб

Ўтмиш, ҳозирги давр ва
келажак манбаи бўлган
“дунёвий инсон” муаммолари,
умуминсоний қадриятлар,
ўзини ўзи камол топтириш,
бошқа одамларни бошқариш
учун зарур бўлган инсоний
фазилатлар ўрганилган.
“Қонун” муаммоси устувор
бўлган.

Давлат, қонун, меҳнат,
бошқарув, уруш ва тинчик,
майлар, манфаатлар,
ҳокмият, жамиятнинг
мулкий табақаланиши
муаммолари ўрганилган.

Қадимги Шарқ фалсафаси



Қадимги Ҳиндистон фалсафаси.

Қадимги Ҳиндистон фалсафасини даврлаштириш

Веда даври (мил. авв. XV - VI асрлар). *Ведалар* ("билимлар") – диний-фалсафий ёзмалар (трактатлар), Ҳиндистонга милоддан аввалги XV асрдан сўнг Ўрта Осиё, Волга атрофи, Эрондан келган арий қабилалари томонидан яратилган.

Қадимги Ҳиндистон фалсафасини ўрганувчилар ведаларнинг охирги хуносавий қисмлари – упанишадалар (санскритдан-ўқитувчи оёғи остида ўтириш) - билан жуда қизиқишиди. Упанишадаларда ведаларнинг фалсафий талқини берилади.

Ведаларнинг таркибий қисмлари

- "муқаддас ёзув", диний мадҳиялар ("самхитлар");
- маросимларнинг таърифи ("брахманлар"), брахманлар томонидан ёзилган ва улар томонидан диний маросимларни ўтказиша фойдаланилган;
- ўрмон қаландарлари китоблари ("аранъяклар");
- ведаларга фалсафий шарҳлар ("упанишадалар").

Эпик давр (мил. авв. VI - II асрлар), бу даврнинг энг машҳур манбалари – икки поэма “Махабхарат” ва “Рамаяна” эпослари, уларда даврнинг кўплаб фалсафий масалалари ўз ьифодасини топган

Сутралар даври (мил. авв. II а. – мил. VII а.) – қисқа фалсафий ёзмалар даври, уларда алоҳида масалалар қўриб чиқилган (м-н, “намасутра” ва б.) – қадимги Ҳиндистон фалсафасига якун ясайди.

Кейинчалик (ўрта асрларда) Ҳиндистон фалсафасида Гаутама-Будда – буддизм таълимоти етакчи ўринни эгаллади.

XVIII – XX асрларда Ҳиндистон фалсафаси европа фалсафаси ютуқлари билан бойиди, айниқса инглиз фалсафаси ютуқлари билан

Қадимги Ҳиндистон фалсафасининг онтологияси.

Қадимги Ҳиндистон фалсафасининг онтологияси

Хусусиятлари

- Қадимги Ҳиндистон онтологияси (борлиқ ҳақидаги таълимот) *Rūta* қонунига асосланади космик эволюция, цикллик, тартиб ва ўзаро боғлиқлик қонуни.
- Борлиқ ва йўқлик Брахма-Коинотнинг (яратувчи Худо) нафас олиши ва чиқариши билан боғланади. Бытие и небытие ассоциируются соответственно с выдохом и вдохом Брахмы-Космоса (Бога-творца). Ўз навбатида, Брахма-Коинот 100 космик ҳаёт (8640000000 ер ҳаёти) Яшайди, шундан сўнг у улади ва абсолют ўйқлик юзага келади, бу холат 100 космик йил давом этади – Брахманинг янги туғилганича.
- Чексиз тарих - бу Коинот (Маха Ман-вантара)нинг ва Абсолют Йўқликнинг ҳаётининг кетма-кетлигига белгиланади, улар хар 100 космик йилда алмашишади. Брахманинг хар бир янги туғилишида ҳаёт яна пайдо бўлаверади, хар сафар янада мукаммалроқ шаклда.
- Олам ўзаро боғлиқ. Хар бир ҳодиса (инсон харакати, табиат ҳодисаси) Коинот ҳаётига таъсири этади. Ривожланиш, эволюция мақсади – материал шаклларнинг доимий алмашинуви орқали мукаммал рухга етишиш.

* Қадимги Хиндистон фалсафасы




Веда"лар түртта түплемден иборат бўлиб, булар "Ригведа" "Самаведа" "Яжураведа" "Адхарваведа" деб аталади. Улар нинг фалсафий шарҳлари, фалсафий мушоҳадага оид қисмлари "Упанишад"лар деб номланди.

Қадимги ҳинд фалсафий мактаблари икки гуруҳга бўлиниб, улар Астика ва Настика деб аталади.

Астика гуруҳига кирувчи фалсафий мактаблар Веданта, Санкхья, Йога, Вайшешика, Нъяя ва Миманса мактаблари "Веда"-нинг илоҳийлигини тан олишади ва бу ёзма ёдгорликни ҳақиқатнинг ягона манбаси деб билишади.

Настика гуруҳига кирувчи мактаблар сифатида Чорвака, Локаята, буддизм, жайнизм мактаблари қайд қилинади.



Қадимги Ҳиндистон фалсафасининг гносеологияси.


Қадимги Ҳиндистон фалсафасининг гносеологияси

Хусусияти

- Қадимги Ҳиндистон гносеологиясининг (билиш ҳақидағи таълимот) асосий хусусияти – предмет ва ҳодисаларнинг ташқи (күринадиган) хусусиятларини (билишнинг европа типига хос) әмас, балки онда бўлаётган жараёнларни предмет ва ҳодисалар олами билан биргалиқда ўрганишдадир.
- шунинг учун ҳинд фалсафаси уч хил онг турларини ажратади: "*прак-рити*"- материал онг, "*пуруша*"- тоза онг (бирламчи энергия, ундан Олам ва инсон вужудга келган) ва "*майя*" – тушни англаш, сароб.
- ҳинд фалсафасига кўра онгнинг ҳар бир тури реал ва ўрганилиши керак – ҳинд фалсафаси европа фалсафасидан фарқ қилган холда фақат материал онгни тан олади ва узоқ вақт мобайнида (О.Контгача) асл ва асл әмас борлиқ, моҳият ва хаёлот масалаларини кўриб чиқмаган.

Ҳинд фалсафасида руҳ масаласи.

Ҳинд фалсафасига кўра руҳнинг иқки асоси



- *Атман*- Ҳудо Брахманинг инсон руҳидаги бўлاغи. Атман биринчи асосдир, у ўзгармайди, доимийдир.
- *Манас* – инсоннинг ҳаёти давомида пайдо бўладиган руҳи. Манас доим ривожланади, инсон хатти-ҳаракатларидан, шахсий тажрибасидан, тақдиридан келиб чиқсан ҳолда юқори поғоналарга кўтарилади ёки ёмонлашади.

Сансара, карма, мокша и ахимсанинг умумий тушунчаси

-**Сансара** – абадийлик ва руҳнинг ўлмаслиги, ердаги ҳаётда қатор азоблардан ўтиши ҳақидаги таълимот.

- **Карма** – инсон ҳаётининг, тақдирининг белгиланганлиги. Карманинг мақсади – инсонни синовлардан ўтказиш, унинг руҳи комилликка интилиши ва энг юқори маънавий ривожланишга – мокшага етишишига эришиш. Бу мақсадга эришиш учун руҳ унлаб, юзлаб ер ҳаётидан ўтиши мумкин.

-**Мокша** – энг юқори маънавий комиллик, унга етгандан сўнг руҳ эволюцияси (карма) тугайди. Мокшага эришиш (руҳнинг эволюцион ривожланишинг тугаши). Хар бир руҳнинг ердаги ҳаётда эришиши мумкин бўлган энг олий мақсади. Мокшага эришган руҳлар тугалмас ҳаёт занжиридан қутулиб *Махатмалар* – Буюк руҳлар бўладилар

-**Ахимса** – ердаги барча ҳаёт шаклларининг бирлиги (инсон, ҳайвон, табиат бирлиги).

Ахимсанинг асосий тамойили –ўраб турган атроф-муҳитга зарар етказмаслик (инсонларга, ҳайвонларга, жонли табиатга), ўлдирмаслик

Қадимги Хитой фалсафаси

Эрамиздан олдинги VI-III асрларда Хитойда асосан олтита фалсафий таълимот (мактаб) шаклланган:
конфуцийчилик, даосизм,
моизм, легизмлар ва бошқалар.

Конфуцийчилик таълимоти бўйича ҳар бир ижтимоий қатламнинг ахлоқ нормалари мавжуд бўлиб, уни ўзгартериш мантиқка зиддир. Масалан бошқарувчилар тоифасига кирган кишилар ахлоқ нормаларини иктисодий кам таъминланган ижтимоий қатлам ахлоқ қоидаларига қараб ишлаб чиқиш мумкин эмас. Ахлоқ мезонлари кишиларнинг жамиятдаги мавқеларига, иқтисодий таъминланганлик даражасига қараб ўзгариб, такомиллашиб борувчи ижтимоий жараёндир.

Хитой фалсафасининг даврлари ва ўзига хослиги

Хитой фалсафаси

Хитой фалсафасининг ривожланиш даврлари.

Хитой фалсафасида ўз аксими топган Олам ва борликнинг хитойча куришнинг ўзига хос хусусиятлари

- мил. авв. VII а. – мил. III а. –кадимги миллий фалсафий мактабларнинг вужудга келиши ва ривожланиши;
- III - XIX аа. – Хиндистандан буддизмнинг кириб келиши ва миллий фалсафий мактабларга тасири;
- Хитойни мавжуд оламнинг маркази сифатида кабул килиш;
- алохида ходисалар, тарихни циклик (айланма) жараен сифатида тушуниш;
- Ер ва Осмон олдида Ерда космик циклларнинг тугри амалга ошиши учун жавобгарлик сезиш;
- инсон, табиат ва коинот бир бутунлик сифатида кабул килиш;
- онгнинг консервативлиги, утмишга йуналганлик, узгаришлардан куркиш;
- XX а. – хозирги давр – хитой жамиятининг епклигига чек куйилиши, хитой фалсафасининг гарб ва жаҳон фалсафаси ютуклари билан бойиши.
- жамоадан алохида бир шахснинг ажратилмаслиги;
- табиат оғатлари билан курашда алохида шахснинг кучсизлигини англаш;жамоавий (оммавий) меҳнат шаклларига ургу берниш (Буюк Хитой девори курилиши, дамбалар курилиши, каналлар казилиши, сув тошқинлари билан кураш, ирригацион дехкончилик ва б.); шундан – ташкил килувчи куч-давлат-олдида хурмат ва куркув;
- инсон, жамият ва давлатни бутун бир бирлик сифатида кабул килиш; жамиятда вертикал муносабатларнинг (хокимият-бўйсуниш), субординация, бошликларга бўйсуниш, императорни давлатни бирлаштирувчи буюк куч сифатида тан олиниши, давлатни эса-жамиятни бирлаштирувчи куч сифатида тан олиш, император шахси, хокимияти ва мансабининг худолаштирилишининг таркалиши;
- узаро муносабатларда конформизм, тинчлик ва харакатсизликка мойиллик билдириш;
- хаетни авваломбор рухнинг танадаги хаети сифатида кабул килиш, нариги дунедаги хаетни ердаги хаетдан устун куйиш, хар бир инсоннинг ердаги хаетини имкон даражасида узайтириш (утлар, жисмоний машклар ердамида, тугри хает тарзи олиб бориши, оламга тугри муносабатда булиш);
- ташкил кучларни реал деб тан олиниши, улганларни тириқдек кабул килиш;
- ота-оналарга, катталарга хурмат, аждодлар ва рухларга ("шэнларга") эхтиром.

Хитой фалсафаси ва мифологиясида инсон ва олам пайдо булишининг масалалари

Хитой фалсафасида инсон масаласи

Хитой фалсафасида инсон масаласи : Инсон табиат ва коинот билан бир деб тушунилсада, жамиятнинг бир бўлаги сифатида инсон борлиғи марказий ўринни эгаллади.

Хитой фалсафаси буйича инсоннни ташкил этивчи коинот энергиясининг уч тури

- **Цзин** – бутун борлик яралган энергия, тирик организмнинг «томири», «уруги». Бу психофизик энергиянинг икки тури ажратилади: «Олдинги Осмон уруги» - инсонга тугилганида берилган нарсалар, генетик программа, жисмоний белгилар, ва «Кейинги Осмон уруги»- инсон хаести давомида туплайдиган нарсалар. Айрим холларда цзин сексуал энергия билан тенглаштирилади
- **Ци** – маънавий-матери энергия, бутун борликни «қурилиш материали» булиб хизмат килади (цзиндан фаркли уларок – вужудга келиш энергияси). Ци энергияси *моддий ци*, ундан барча нарса ва жонзотлар материал шаклни кабул килади ва *маънавий ци* – инсонва бошка тирик жонзотлар рухиятини ташкил этади. Маънавий ци – инсон хаестининг асоси. Омадли, жисмоний ва руҳий соглом инсон «еруг», «тоза» цига эга. Касалманд, заиф, омадсиз инсон эса- «огир», «ифлос», «кора» цига эга. Омад, жисмоний ва руҳий соглик, баҳтга йул – цини барча кераксиз нарсалардан озод килиш, руҳни тозалаш.
Шзы – инсондаги йукотиб булмайдиган (улмайдиган) маънавий энергия, бу энергия инсоннинг «узаги»ни ташкил этади ва инсон улганидан сунг хам йукотиб булмайдиган (улмайдиган) маънавий энергия, бу энергия инсоннинг «узаги»ни ташкил этади ва инсон улганидан сунг хам йукотиб булмайдиди (цидан фаркли равишда).

Хитой фалсафасида инсон идрокининг ўзига хослиги

Хитой фалсафасидаги инсон идрокининг Ғарб фалсафасидан фарқи

Хитой фалсафаси инсон тушунчасини аник ёритмайди, инсон мөхиятини аник тушунчалар билан эмас, балки инсон образини яратиш ва уни урганиш билан англашга интилади (шунинг учун хитой фалсафасида инсон тушунчаси эмас). Образ-тушунчалар, нафакат инсон балки нарсалар образи хакида гапириш түгри булади);

Инсон хаёти бошланишини туғилишдан эмас, балки хомилалик вактидан хисоблади;

инсон муносабатлари системасидан инсоннинг улимидан сунг хам олиб ташламайди, яъни инсон (унинг айрим материал холатга эга рухи-»шен«) улганидан сунг хам инсоний муносабатлар системасида колади- овкат, меҳрга муҳтож, аввалги мансабини саклаб колади, у кутарилиши, мукофотланиши мумкин, авлодларининг ахлоқидан келиб чикиб амалдан олиб ташланиши, жазоланиши мумкин;

инсоннинг маънавий рухий маркази килиб бошни (мия, юз, куз ва б.) эмас, юракни белгилайди;

Инсонни табиат ва коинотнинг булаги сифатида кабул килади, Инсоннинг табиат ва бошка жонзорлар устидаги хукмронлигини тан олмайди, Индивидуализм ва бир шахснинг жамиятнинг бошка вакилларигага каршилиги тан олинмайди:

Ердаги хаётни кадрлашга ва уни узайтиришга харакат килишга чакиради.

Узоқ умр қўришининг асосий шартлари (хитой фалсафасига кўра)

Руҳий психофизик энергия-»ци«ни тоза холатда саклаш, бунга кераксиз ашвишлардан холос булиш, ёмон ва заарли фикрлардан холос булиш, ёб турган оламга түгри муносабатда булиш, катталарга ва атрофдагиларга хурмат, оптимизм, уй ва унинг жихозларининг түгри жойлашуви, юн «ци»га эга булган инсонлар билан мулокатда булмаслик, факат тоза «ци»га эга инсонлар билан алока килиш киради;

Уз танаси ва устида ишлаш - "син чун" – узини маданийлаштириш;

Такдир устида ишлаш, жамиятга фойда келтириш - "мин чун";

Жамиятдаги тартибни саклаш;

Фойдали ва доривор утларни истеъмол килиш, түгри овкатланиш;

Хитойда яшаш, хитой маданияти билан бирлашиш,
Хитойнинг маънавий энергиясидан озикланиш.

Хитой мифологияси ва фалсафасининг инсон ҳамда оламнинг вужудга келишини тушунтириши

Хитой мифологияси ва фалсафасининг инсон ҳамда оламнинг вужудга келишини тушунтириши

Ўзига хослиги

Қадимги хитой маданияти Ерда ҳаётнинг, жонли ва жонсиз табиатнинг вужудга келишининг мифологик-фалсафий талқинини беради, бу жараён ўз ичига бир неча этапларни олади.

Қадимги фалсафий асар “И-Цзин” оламнинг беш элементдан пайдо бўлишини тушунтириб беради – ер, дарахт, металл, олов ва сувдан, булар доимий айланишда бўлишади

Қадимги Хитой мифологияси ва фалсафаси олам, инсон ва табиатнинг вужудга келишининг биринчи тушунтиришини берди, инсонни англаш, табиат ҳодисаларини талқин қилиниши Хитойнинг оламга машхур фалсафа мактаблари – даосизм, конфуцианчилик, легизмнинг яралишига замин яратди

Хитой маданиятида инсон ва оламнинг вужудга келиш босқичлари

Шакли бўйича тухумни эслатадиган буюк Хаос;

Хаос-Тухумда 18000 йил мобайнида бутун борлиқнинг Биринчи (Первопредка) Аждоди – Пань-Гунинг вужудга келиши;
Пань-Гунинг Тухумдан чиқиши тухумсимон Хаоснинг нобуд булиши (вафоти)га олиб келди;
Хаосдан Осмон (тепада барча ёнгил ва қуруқ нарсаларнинг тупланиши) ва Ернинг (пастда барча оғир ва нам нарсаларнинг тўпланиши)
пайдо бўйини:

18000 йил мобайнида Пань-Гунинг Осмон ва Ер ўуртасида туриши ва оқибатда Осмон ва Ернинг ўз жойларида мустаҳкамланиши;

Пань-Гунинг ўлими, унинг танасидан бутун борлиқнинг вужудга келиши: Күёш ва Ой – кўзидан, момоқалдироқ - овозидан, шамол – нафасидан, дарёлар – қонидан, йўллар - томирларидан, тош ва фойдали қазилмалар - сукларидан, тишларидан ва б.

Пань-Гу танасида юрган кумурсқалардан инсоннинг пайдо бўлиши ёки фантастик аждодлар Фуси ва Нийва - инсон-аждарларнинг севгиси оқибатида иосоннинг пайдо бўлиши.

* Даосизм - Хитойнинг кадимий фалсафий таълимоти



Даосизм – Хитойнинг кадимий фалсафий таълимоти, оламнинг тузилиши ва мавжудлиги (яшами)ни тушунтиришга ва инсон, табиат, коинот юриши керак булган йулни топишга харакат килади. Бу таълимот асосчиси Лоа Цзи (Кекса Устоз) – мил. авв VI – V аа. яшаган. Асосий манбалари - "Даоцзин" ва «Дэцзин» фалсафий ёзмалар (трактатлар), биргаликда «Даодэцзин» деб номланади.

Асосий тушунчалар

"Дао" – иккита маънога эга: биринчидан, бу инсон ва табиат уз ривожланишида утиши керак булган йул, оламнинг борлигини таъминлаб берувчи умумбашарий конун; иккинчидан, бу бутун олам яралган субстанция, энергетик бушлик булган биринчи борлик.

"Дэ" – тепадан берилуви неъмат; биринчи борлик «Дао»ни оламга айлантирган энергия.

Даосизм фалсафасининг асосий гоялари

Оlamda hamma narsha uzaro boglik, ha bir narsha va hodisa boшка bir narsha va hodisa bilan boglik;

Olamni tashkil etuvchi materialiya yangonadir; tabiatda materialiyaniнg ailanmasi mavjud («hamma narsha erdan chikadi va erga kiraadi»), yani bugungi inson kecha olamdagи boшка bir formada bulgan - tosh, daraoh, hайvon kismlari, va inson uplimidan sung uning aъzolari boшка bir xait formasasi va hodisalar учун kурилиш materiali builib xizmat kiladi;

Olamdagи tarhib, tabiat konunlari, tarix uзgarмайди, shuning учун inson haётinинг асосий tamoyili – tinchlik va harakatsizlik ("у-вэй");

Император muкаддас шахс, faktat u худолар ва юкори кучлар bilan maъnaviy alokada buла oлади; император шахси orkali Xitoy va butun insoniyatga «Дэ»-tetiklanтирувчи куч ва neъmat utadi; inson imператорга kancha якин булса, shuncha kуп «Дэ» унга императордан utadi;

"Дао"ни anglash ва "Дэ"ни oлиш учун daosizmning barча konunlariiga tulik amal kiliш керак, "Дао" bilan birlashiб, imператорга буйсуниш ва unga якин buлиш;

Baxt va hakikatga olib boradigan йул – xirс va истаклардан ozod buлиш.